# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 7 июль, № 133 (5553) Шанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июль куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси қуйи қўмитаси раиси Дэн Бертон ва конгрессмен Грегори Миксни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон АҚШ Конгресси нуфузли делегациясининг мамлакатимизга ташрифига Ўзбекистон — Америка мулоқоти изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир далолат, икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият сифатида қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида кенгайиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлашда, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар соҳалардаги кўп қиррали шерикликни, шунингдек, демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокамаси чоғида Афғонистон мавзуига, ушбу мамлакатдаги ҳозирги вазият ривожининг турли йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон икки томонлама асосда Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмага оид, мазкур мамлакатда тинч ҳаётни тиклашга қаратилган иншоотлар қурилишида қатнашиб келаётгани ва бундан буён ҳам иштирок этиши таъкидланди.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни, долзарб минтақавий ва глобал муаммоларни конструктив тарзда муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли асосда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 72 355 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 141 520 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 июль

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси қуйи қўмитаси раиси Дэн Бертон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.*

# АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар каби кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш АҚШ учун муҳим аҳамиятга эга, — деди Дэн Бертон. — Ташриф давомида Ўзбекистоннинг парламентаризм тизими билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимиздан ғоят мамнунмиз. Мамлакатингизда ушбу соҳа фаолияти бизда катта таассурот қолдирди. Ташриф доирасида ўтказилган учрашувлар ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу куни АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА).**

# Улкан имкониятлар мамлакати

*Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлида изчил ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалаётир. Бу ўсиш ва муваффақиятлар одамлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда, нуфузли халқаро ташкилотлар, молия муассасалари томонидан эътироф этилаётир. Юртимизга, хусусан, қадимий Самарқандга келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам бу ўзгаришларга ўзгача ҳайрату ҳавас билан боқмоқдалар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири улардан айримларининг фикрлари билан қизиқди.*

## Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

**Марко Бифф (Италия):**

— Бундан ўн йил аввал ҳам Ўзбекистонга келган эдим. Очиғи, бугун юртингизни таниёлмай қолдим. Қисқа вақтда шунчалик ўзгаришлар бўлишини тасаввурга сиғдириш қийин. Лекин бунга гувоҳ бўлишнинг завқи ўзгача экан. Самарқанд ва Қашқадарёдаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш билан бирга, замонавий биноларни ҳам томоша қилдик. Йўллар атрофидаги гулзорлар, сўлим боғ ва хиёбонлар кишининг баҳридилини очади. Шаҳарнинг тарихий обидаларга бой ҳудуди буюк ўтмиш, аждодларнинг бунёдкорлик салоҳиятидан ҳикоя қилса, янги қурилган иншоотлар замонавий шаҳарсозлик маданиятидан дарак беради. Ўзбекистон буюк тарихига муносиб келажак яратишга интилаётганига гувоҳ бўлдик.

**Юрий Михалкин (Буюк Британия):**

— Тақдир тақозоси билан дунёнинг бир қатор шаҳарларида истиқомат қилганман. Турли миллат вакиллари билан танишганман. Аммо ўзбеклардек меҳмондўст, бағрикенг ва самимий халқни кўрмадим. Оиламиз билан бир муддат Самарқандда яшаб, халқингизга хос кўпгина одатларни ўргандик. Бу ерда яшовчи дўстларимиз билан ҳозир ҳам бордикелди қилиб турамиз.

Бу галги сафарим давомида Хива, Бухоро ва Самарқанддаги тарихий обидаларни яна бир бор зиёрат қилдим. Бир неча асрлик тарихга эга бу қадимий бино ва ёдгорликларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу қадимий шаҳарлар кейинги йилларда яшаргандек кўринди. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани давлат иқтисодиёти мустаҳкамлиги, одамларнинг фаровон ҳаётидан нишонадир.

(Давоми 2-бетда).

# ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).




# Бунёдкорлик ва яратиш шукуҳи

*Асака истиқлол йилларида янгиланиш, юксалишга юз тутди, саноат марказларидан бирига айланди. Замонавий технологияга асосланган корхоналар, йирик заводлар ва кичик бизнес субъектлари Асакани водий бағридаги жавоҳирга айлантирди, десак, муболаға бўлмайди.*

— Халқимиз ўтган 21 йилда мўъжизавий ўзгаришларга гувоҳ бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Ҳадятулла ота Аҳмедов. — Биргина Асакада амалга оширилган ишларни санаб адоғига етолмайсиз. Барча орзуларимизга қанот берган, дилимизга ишонч солган Мустақилликдан, унинг бош меъмори бўлган Юртбошимиздан миннатдормиз...

Мустабид тузум даврида, ҳатто, Асакамизнинг номини унуттириш пайида бўлишди. Президентимизнинг мустақилликнинг илк кунлариданоқ бундай адолатсизликларга барҳам бериш, азалий ҳақиқатларни тиклаш мақсадида илгари сурган ғоялари асосида шаҳарнинг ҳам асл номи тикланди.

1996 йил 19 июль санаси асакалик автомобилсозлар хотирасида бир умр сақланиб қолади. Ўша куни давлатимиз раҳбари мамлакатимиз фахрига айланган автомобиль заводининг очилиш маросимида иштирок этиб, мўъжизалар яратишни мақсад қилган ёшларга муваффақият тилаган эди. Оддий тугмани четдан олиб келишга мажбур бўлган бир шароитда автомобиль ишлаб чиқаришнинг ўзи катта бир мўъжиза эмасми?

Бугунги кунга келиб, Асакада ўнлаб саноат корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. “Асака ёғ”, “Асакатекстиль”, “Асакадонмаҳсулотлари”, “Автокомпонент” очиқ акциядорлик жамиятлари, “Ўз Донг Вонг Компани” қўшма корхонаси, “Асака давр бутловчи”, “Меридиан”, “Ойназар” хусусий корхоналари, “Техносавдо люкс” МЧЖ, “Самара Анзис” шўъба корхонаси ана шулар жумласидандир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ошишида муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, жойларда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари жадал давом эттирилаётгани экспортбоп маҳсулот тайёрлаш имкониятини кенгайтираётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 37 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилгани ва модернизация қилингани бунга бир мисолдир. Кичик бизнес субъектлари эса 265 тага кўпайди. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаяпти. Эътибор беринг: тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастури доирасида 8212 та, кичик корхоналар ҳамда микрофирмаларни ташкил этиш эвазига эса 3932 та иш ўрни яратилди. Натижада касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардан 4443 нафари мутахассислиги бўйича иш жойига эга бўлди. Улар томонидан 470 миллиард 560 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари, шунингдек, 78 миллиард 440 миллион сўм миқдорида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Қисқача айтганда, Асака дунё таниган ҳамда тан олган шаҳарга айланди.

(Давоми 2-бетда).

## Бир рақам шарҳи

### Қулай сармоявий муҳит самараси

Бугунги кунда мамлакатимизда Корея Республикаси сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони

**350** дан ошди.

**Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби тармоқларда фаолият юритмоқда.**

**Бу, албатта, республикамизда тадбиркорлар учун барча шарт-шароит яратилгани, айниқса, чет эллик ишбилармонларга енгилликлар берилиб, иқтисодий соҳаларда энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганининг юксак самарасидир.**

# Улкан имкониятлар мамлакати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ана Кастро хоним (Испания):**

— Бизда юртингиз ҳақидаги илк тасаввурлар Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш орқали пайдо бўлган. Негаки, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ ўтмишга бориб тақалиши боис бу ҳақдаги манбалар жуда кўп. Мен ҳам ўша китоблар орқали Самарқанд ва бошқа шаҳарлар тўғрисида тушунчага эга бўлганман ҳамда уларни ўз кўзим билан кўришни орзу қилганман. Бугун ана шу орзуим амалга ошганидан бениҳоя хурсандман.

Самарқанд, ҳақиқатан ҳам, дунёнинг энг гўзал ва бетакрор шаҳарларидан бири экан. Шифокор бўлганим учунми, аввало, шаҳарнинг мусаффо ҳавоси, гўзал табиати эътиборимни тортди. Айниқса, тунда ва тонг саҳарда эсадиган майин шабада кишига ўзгача роҳат бағишлайди. Кечаси ҳам шаҳардаги боғ ва хиёбонлар одамлар билан гавжум. Бу юртингиздаги тинчлик, осойишталик белгисидир.

Регистон майдонидаги улкан бино ва миноралар мўъжизанинг ўзи. Ушбу иншоотларда Шарқ меъморчилигининг ноёб дурдоналари мужассамлиги учун ҳам дунёнинг турли ҳудудларидан уни кўриш учун келишади. Сафарим давомида ёдда қоладиган таассуротлар кўп бўлди. Айниқса, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи ва Самарқанддаги мақбарани томоша қилиб, буюк саркарда ҳақида кўплаб янги маълумотлар олганимдан хурсандман.

**ЎзА мухбири**
**Ғолиб ҲАСАНОВ**
**ёзиб олди.**

## Тадбир

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди. “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирга Зулфия номидаги Давлат мукофотига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан сазовор бўлган иқтидор соҳибалари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.*

# Эъзоз, эътибор, эҳтиром

Таъкидланганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини юксалтириш, истеъдод ва имкониятларини юзага чиқариш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг муҳим босқичини бошлаб берди.

Биласиз, Зулфия номидаги Давлат мукофоти иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, спорт, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун бериб келинмоқда. Шу кунга қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб истеъдодли қизлар турли йўналишлар бўйича ушбу мукофотга муносиб, деб топилди. Айни пайтда уларнинг аксарияти ўз йўналиши бўйича илмий тадқиқот институтлари, инновацион марказлар, олий таълим муассасаларида самарали фаолият олиб бормоқда ва ижобий ютуқларни қўлга киритмоқда.

Нукуслик Замира Алиева — иқтидорли спортчи. Каратэ бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори. 2012 йили Зулфияхоним қизлари сафига қўшилган Замира спорт билан бир қаторда, қорақалпоқ миллий кийимлари дизайни соҳасида ҳам талайгина муваффақиятларга эришган.

— Яқинда “Фонд Форум” ташаббуси билан ташкил этилган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалида қорақалпоқ либослари ва кашталаридан иборат кўргазмам билан қатнашдим, — дейди у. — Мақсадим — аёллар спортини ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бир қаторда, миллий менталитетимизга хос ва мос бўлган либослар яратиш, уни дунё саҳнасига олиб чиқиш. Бундай муваффақиятларимиз замирида давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги, меҳр ва эътибори мужассам.

Учрашувда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ижтимоий бурчи ва фаоллигини янада ошириш, ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Интилиш

# Тежамкор ускуналар

### рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асосий омилидир




Рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш учун, аввало, илғор технологиялар талаб этилади. Шу боис маҳаллий тадбиркорлар хориждан замонавий дастгоҳлар харид қилиб, ишлаб чиқариш цехларини модернизациялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Амударё туманида яшовчи Алишер Худоёров ҳам банкдан олган 50 миллион сўмлик кредитини ана шу мақсадга йўналтирди. Молия муассасаси сармояси ҳамда ўз маблағи эвазига хориждан 112 миллион сўмлик технологияларни олиб келиб, “Алишер Саъдуллаевич” хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 400 килограммгача 3 хилдаги елим халтачалар ишлаб чиқарилмоқда.

— Яқинда яна бир замонавий технологияни ишга туширамиз, — дейди корхона иш юритувчиси Шуҳрат Тожибоев. — Банкнинг 214 миллион сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилаётган ушбу лойиҳа натижасида полиэтилен қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Шунингдек, яна 20 га яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг биринчи ярмида Комплекс бўйича жами 1 триллион 995 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 123,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 965 миллиард сўмлик (119 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 161,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 133 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

Комплекс йиғилишида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга доир вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органларида “Ягона ойна” марказларини ташкил қилишнинг ҳолатига оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комплекс таркибига кирувчи идоралар тизимида 2012/2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Наманган

*Поп туманидаги “Файз” фермер хўжалиги фаолият турини кенгайтириб, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғуллана бошлади.*

#### Фаолияти кенгайди

Қишлоқ мулкдорининг мазкур лойиҳаси банкнинг 300 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди. 15 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада дастлабки 50 миллион сўмликка яқин кийим-кечак тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тижорат банклари томонидан вилоятдаги 103 та корхонага 47,1 миллиард сўмлик сармоя ажратилди. Пировардида улар томонидан 34,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, қўшимча 1192 та иш ўрни яратилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Кунига 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга “Термизсут” масъулияти чекланган жамиятида пластмасса идишлар ишлаб чиқарадиган минитехнология ишга туширилди.*

#### Минитехнология қулайлиги

Бу корхона жамоасини шиша идишлардан фойдаланишдек серташвиш ва серчиқим юмушдан халос қилди. Ушбу технология йилига қарийб 100 миллион сўмлик маблағни тежашга замин яратди.

Айтиш лозимки, шу йилнинг биринчи ярмида Термиз шаҳрида ҳудудий инвестиция дастури доирасида 20 та лойиҳа амалга оширилиб, 200 та иш ўрни ташкил этилди.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Жиззах

*Бахмал туманидаги “Музбулоқ” қишлоқ врачлик пункти “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди кўмагида муқобил энергия манбаи билан таъминланди.*

#### ҚВПда янги қурилма

— Қишлоғимиз туман марказидан 80 чақирим олисда, тоғ ёнбағрида жойлашган, — дейди ҚВП мудири Амриддин Сафаров. — Шу боис электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиб турарди. Қуёш ва шамолдан энергия ишлаб чиқарувчи қурилманинг ўрнатилиши нафақат жамоамиз учун, балки маҳалламизнинг 4100 нафар аҳолиси учун қўшимча қулайлик туғдирди. Эндиликда “Саломатлик — 2” лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган врачлик пунктимиз узлуксиз ишлайдиган бўлди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида полиэтилен плёнкаларга талаб юқори.*

#### Нархи арзон, сифати аъло

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Зангиота туманидаги “Зуҳал зиё” масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа рўёбга чиқарилди. Гап шундаки, банкнинг салкам 800 миллион сўмлик молиявий мадади ҳисобига бу ерда ушбу турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Жамоа қисқа фурсатда 320 миллион сўмлик полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариб, ички бозорга етказиб берди. Энг муҳими, улар сифатли ва арзонлиги боис буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Бунёдкорлик ва яратиш шукуҳи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Аҳоли манфаатлари йўлида

Кейинги йилларда Асака улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланди. Лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилиши натижасида умумий узунлиги 20 километрлик “Асака — Қува”, “Асака — Андижон”, “Асака — Шаҳрихон” йўллари бўйларидаги хом ғишт ва гуваладан тикланган пасқам, кўримсиз уйлар ўрнида замонавий, гўзал иморатлар, равон ва кенг йўллар барпо этилди. Ўтган йили намунавий лойиҳалар асосида 46 та шинам тураржой биноси, 125 та савдо ва сервис хизмати шохобчаси қуриб битказилган бўлса, жорий йил кўкламида Андижон шаҳрини Асака билан боғловчи йўл ёқалаб 181 иншоот пойдевори ташланди. Ана шу тураржойларнинг 125 таси автомобилсозлар учун мўлжалланган. Шунингдек, табиий газ, тоза ичимлик суви ва бошқа коммуникация тармоқларини янгилаш, таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётир. Аниқроғи, шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи 12 километрлик сув тармоқларини янгилаш масаласи ҳал этилди.

Яхши эслаймиз, яқингача туманда оммавий тадбирлар ўтказиладиган тузукроқ жой йўқ эди. Боз устига, Асакадаги уч мингдан ортиқ тадбиркор бошини бир жойга қовуштирадиган бино нураб-ҳилвираб қолганди. Унинг атрофидаги ёз кунлари чўғ бўлиб қизиб ётадиган файзсиз, зерикарли майдонлар, қишин-ёзин ҳурпайиб турадиган кўримсиз дов-дарахтлар олиб ташланди. Натижада ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган кўркам “Тадбиркорлар саройи” қад ростлади. Бобур массивидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион таъмирдан чиқарилди. Ниёзботир қишлоғидаги янги тураржойлар ёнида 150 нафар ўғил-қизни бағрига оладиган 22-мусиқа мактаби барпо этилди. Оқбўра қишлоғи ҳамда Обжувоз маҳалласида кўркам гузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар атрофидаги ям-яшил майдонлар, турфа гуллари чўғдай товланадиган мафтункор хиёбонлар, салқин ва ҳузурбахш фавворалар баҳридилингизни очади, чарчоғингизни ёзиб, руҳингизни тетиклаштиради. Шаҳарда 135 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларнинг иситиш тизимини тубдан яхшилаш, ичимлик суви таъминотининг барқарорлигига эришиш, олд майдонларни тартибга келтириш талаб этиларди.

— Уйларни таъмирлашнинг ўзига бир миллиард 200 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, — дейди туман бош меъмори вазифасини бажарувчи Ҳусанбой Аҳмаджонов. — Шунингдек, иситиш тармоқларини янгилашга ҳам бир миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.



### Суви зар, тупроғи олтин

Асакалик боғбону соҳибкорлар миришкорлик бобида донг таратган. Айтайлик, Қўнғирот қишлоғи боғбонлари ўзлари етиштирган узумни баҳор адоғига қадар қандай узилган бўлса, ўшандай сақлаш ҳадисини олишган. Қолаверса, олма дарахтига пайванд қилинган нок, шафтоли ниҳолида пишаётган мевалар оғзингизга солишингиз билан эриб кетади.

Асака ўрмон хўжалигининг бош ўрмонбеги Рустамжон ака пальма дарахтини кўпайтириб, эндиликда банан мевасидан тотинаётган бўлса, “Андижон ўзбегим” МЧЖ боғбонлари Ниёзботир адирлари ёнбағрига сув чиқазиб, 151,7 гектар майдонда боғ барпо этди. “МАСК” агрофирмаси 25 гектар, пахта саноатчилар ҳам шунча ерда хориж технологияси асосида интенсив боғ ташкил қилди.

— Юртбошимиз билан икки бор учрашиб, суҳбатлашганман, — дейди “Асака жилоси” фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Турдиев. — У кишининг асакаликлар меҳнатига берган юксак баҳоси, билдирган ишончи ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. 67 кишилик жамоамиз 30 гектарда ғалла етиштириш билан бирга, 15 гектар ерда картошка, 10 гектарда пиёз, 6 гектарда сабзи, 10 гектарда ловия, 5 гектарда помидор парваришлаяпти. Сабзавотни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, мева-сабзавот сақлайдиган замонавий омборхона қуриш ниятимиз ҳам бор.

Асаканинг бир қисми адирликдан иборат. Ўша жойларнинг 284,5 гектари, Марказий Фарғона массиви кенгликларидан туманга ажратиб берилган 706,6, пахта, ғалла парваришлаб келинаётган 4 минг 194,9 гектар ерда эндиликда мева-сабзавот етиштирилади. Ерларнинг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, 307 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги пайтда 260 гектар майдонда картошка, 2500 гектарда сабзавот экинлари парваришланаяпти. 850 гектардаги мевали боғ эса ҳосилга кирди. 385 гектарлик токзорда суғориш, ҳашаротларга қарши курашиш, ишлов бериш юксак агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда.

Жорий йилда 2 минг 208 гектар майдонда ички истеъмол бозори учун, 2 минг 977 гектарда экспортга мўлжалланган мева-сабзавот етиштирилаётир.

— Уларга қўшимча ўз томорқаларимиздан кам деганда 400 тонна узум етказиб берамиз, — дейди Қоратепа қишлоғилик боғбон Аҳмаджон Исоқов. — Президентимизнинг оқиллик, донолик билан иш юритиши, узоқни кўра билиши биз учун янги имкониятлар эшигини очди. Туманимизнинг мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилгани аҳолининг ҳўл мева, сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириб, айни пайтда катта даромад ҳам келтирмоқда.



### Бугунидан эртаси чиройли

Асакаликлар майдон ва бозорлар, марказий кўчалар кундан-кунга чирой очиб бораётганидан мамнун. Чўнтак номи билан машҳур маданият ва истироҳат боғи кўркам қиёфа касб этмоқда. Бу ердаги беш минг ўринга мўлжалланган стадионни кенгайтириш, унинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадларига 900 миллион сўм ажратилди. Боғнинг аксарият қисмини қоплаб ётган асфальтбетон ўрнида яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилади. Аттракцион, спорт мажмуаси ва кўнгилочар масканлар, замонавий ҳамда миллий руҳни ўзида сингдирган ошхона ва чойхоналар қурилади. Эндиликда буюм бозори ҳам Фарғона кўчасидаги кенг майдонга кўчирилади. Бу ерда 560 ўринли савдо дўконлари, сервис хизмати шохобчалари бунёд қилинади. Ушбу янги бозорни қуриш учун 5 миллиард сўм ажратилмоқда. Айни пайтда “Деҳқон бозори”да ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Харидор ва сотувчи учун қатор қулайликларни ўз ичига олган 3 та павильон барпо этилаяпти. Пала-партиш қурилган дўконлар баҳридан ўтилмоқда. Қинғир-қийшиқ йўлкаю тор кўчалар кенгайтирилиб, автомобиль ва пиёдалар қатнови учун қулайлик яратилмоқда.

Мухтасар айтганда, Асака истиқлол шарофати билан обод ва кўркам, ўз индустрияси ҳамда замонавий коммуникациясига эга, дунё шаҳарсозлиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирган мафтункор шаҳарга айланмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Абитуриент — 2012

*Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий ўқув масканлари, энг сўнгги технологиялар улар хизматида. Бундай қулай имконият эса навқирон авлоднинг эзгу орзулари ушалишида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, бугун юртимизда талаба бўлиш истагидаги минглаб ёшлар ҳаяжон оғушида. Улар ўзлари қизиққан соҳанинг етук мутахассиси бўлиш ниятида олий таълим муассасасига ҳужжат топшириб, тест синовларига тайёргарлик кўрмоқдалар. Албатта, мустаҳкам билим олишга интилаётган йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналарини бу йилги тест синовларини ўтказиш тартиби қизиқтириши, табиий.*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.*

# Билим, иқтидор ва салоҳият

## Тест синовларида ана шу жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорида олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиш квотаси белгилаб берилган, — дейди Б. Исмоилов. — Жумладан, 2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56 607 нафар ўғил-қиз қабул қилинса, уларнинг 19 340 нафари давлат грантида ва 37 267 нафари шартнома бўйича таҳсил олади.

Олий таълим муассасаларига 6300 нафар магистр, шундан 1 566 нафари давлат гранти, 4 734 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимига давлат гранти бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига 50 нафар талаба, шу жумладан, 15 нафари давлат гранти, 35 нафари шартнома асосида қабул қилинади.

Юртбошимизнинг мазкур қарори асосида ҳозир тест синовларини ташкил этиш ҳамда юқори савияда ўтказиш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан Давлат тест маркази ўртасида электрон ахборот алмашинув тизими ўрнатилди. Бундан ташқари, тест синовлари ўтказилиши режалаштирилаётган 500 та бино ва 14 мингга яқин аудиторияларнинг тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Айни чоғда тест жараёнларини назорат қилиб борадиган аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари таркиби шакллантирилаяпти.

**— Бу йилги тест синовларида қандай ўзгариш ва янгиликлар мавжуд? Умуман, бу жабҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.**

— Тест ўтказиш жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришлар йўқ. Одатдагидек, абитуриентларга учта фандан жами 108 та тест саволи тақдим этилади. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианти кўрсатилган бўлиб, улар орасидан биттасини танлаш лозим.

Шу ўринда абитуриентларга бу йилги тест саволлари жамғармаси ҳақида ҳам айтиб ўтсак. Биласиз, улар доимий равишда янгиланиб, тўлдириб борилади. Бу саволлар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ҳар бир ўқув фани бўйича тавсия этилган малакали мутахассислар ёрдамида шакллантирилади. Фанлар бўйича тузилган тест саволлари жамғармаси Давлат таълим стандартлари доирасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тавсия этилган дарслик ҳамда ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади. Шундан сўнг тест саволларини ишлаб чиқиш технологиялари талаблари ҳамда унга мазмунан ва шаклан мослиги бўйича мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказилади.

Тест ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар такомиллаштирилганлигини ҳам эслатиб ўтсак. Масалан, энди тест пайтида нафақат шпаргалка ва мобиль алоқа воситасидан фойдаланиш, балки уларни аудиторияга олиб кириш ҳам абитуриентни имтиҳондан четлатишга асос бўлади. Тест жараёни давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, абитуриентларга ёрдам берса, у тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, тест синовидан четлаштирилади.

Бундан ташқари, ОТМлар қабул комиссияларига топширилган ҳужжатларда қалбакилик аниқланса, унинг эгаси тест синовига қўйилмайди. Шунга ўхшаш ҳолат имтиҳонлардан кейин — ўқиш пайтида аниқланса ҳам талаба олий таълим даргоҳидан четлаштирилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай маълумот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади.

**— Олий таълим муассасаларига киришда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсиясига эга бўлган ёшларга яратиб берилган янги имтиёзлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Президентимизнинг шу йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун амалдаги имтиёзлар янада такомиллаштирилдики, бу уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларида мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз.

Масалан, ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш тизими мавжуд эди. Эндиликда ана шу имтиёз 27 фоиз қилиб белгиланди. Бундан ташқари, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентлар мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишса, у тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўпламлари (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилиши белгиланган.

**— Ҳозирги кунгача олий таълим муассасаларига кириш юзасидан келиб тушган аризалар сонини айта оласизми? Бу кўрсаткич бўйича қайси олий таълим муассасаси етакчилик қилмоқда?**

— Бу борадаги кўрсаткич ҳар куни ўзгариб турибди. Боз устига, кўп йиллик тажрибадан маълумки, абитуриентларнинг 40 фоизи ҳужжатларни охирги беш кунда топширади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз олий таълим тизими нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга мос равишда қабул комиссияларига келиб тушаётган аризалар сони ҳам кўпайиб бораётир. Хусусан, ўтган йили 418 724 нафар абитуриент тест синовларида қатнашган бўлиб, бу мутлақ рекорд кўрсаткичдир. Ўшанда бир ўрин учун 7,4 киши даъвогарлик қилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич янгиланади, дейиш учун асослар етарли.

Яна шуни айтиш жоизки, абитуриентлар олий таълим муассасаларига келиб тушаётган аризаларга оид маълумотларга ҳам қизиқишади. Шуни инобатга олиб, тез кунларда марказимиз сайтига (www.dtm.uz) қабул квоталари ва ҳар бир ОТМ ҳамда таълим йўналишига келиб тушган аризалар ҳақидаги ахборотлар киритиб борилади. Демак, ўғил-қизларимиз ва уларнинг ота-оналари учун зарур маълумотларни уйдан туриб ҳам олиш имконияти яратилади.

**— Тест синовига тайёргарлик кўраётган йигит-қизларга яна қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Бугун ёшларнинг билим олиши учун улкан имкониятлар эшиги очиқ. Илгари булар ҳақида орзу қилишнинг ўзи қийин эди. Шундай экан, улкан мақсадларни кўзлаган йигит-қизларга фурсатни зое кетказмасдан, тест синовларига пухта тайёргарлик кўришларини маслаҳат бераман. Ва ишонаманки, энг кўп тайёрланган, билимли, иқтидорли, ақлу салоҳияти юксак, зеҳни ўткир ёшларга, албатта, талаба бўлиш бахти насиб этади.




**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**суҳбатлашди.**

● Реклама ва эълонлар ●

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

O'ZSANOATQURILISHBANK

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ**

**«ORACLE 11g» дастурий мажмуаси лицензиясини сотиб олиш бўйича очиқ тендер эълон қилади.**

***Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин.***

**1. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони:**

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефон: (+99871) 120-45-12. Факс: (+99871) 140-36-31. E-mail: info@uzpsb.uz

**2. Тендер мавзуси.**

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ахборот тизими учун лицензияли «ORACLE 11g» дастурий маҳсулотларини харид қилиш.

**3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари.**

Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.
Тендер ҳужжатларининг нархи — 200 АҚШ доллари.
Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер комиссиясига мурожаат этиш лозим.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 23 август куни соат 17.00 гача (Тошкент вақти билан).**

1114А/818

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Олот тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Асртекс» МЧЖга тегишли, Олот тумани, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 13500,0 кв.м.дан иборат маъмурий-маиший бино, қозонхона, кондиционер биноси, ҳожатхона, ҳимоя девори ва асфальт қопламаси ҳамда 36 номдан иборат асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 11 451 254 155 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 26 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 24 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулкий мажмуа билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1115А/1441

Лицензия: RR-0001.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 19 апрелдаги 12-0903/14113 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий маҳалласи, Саноат зонаси ҳудудида жойлашган, фойдаланиш майдони 51 477,0 кв.м. бўлган, 0032-литердан иборат бино-иншоотлар савдога қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 2 622 328 996 сўм.*

Аукцион савдоси 2012 йил 7 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 3 август куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 12-1003/2418 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 28 августдаги 12-1003/8098 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/9185 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 7 октябрдаги 12-1003/1024 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 3 декабрдаги 12-1003/15210 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 24 декабрдаги 12-1003/17363 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2011 йил 29 апрелдаги 12-1003/3079 (27.1)-сонли суд буйруғи ва 2011 йил 13 январдаги 12-1003/63 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан, Янгиер шаҳри, Шароф Рашидов маҳалласи, Яшил хиёбон ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 416 кв.м., фойдали майдони 1029,42 кв.м. бўлган, 0001-литердаги маъмурий бино, 0002-литердаги омборхона, 0003-литердаги ёрдамчи бино, 0004-литердаги бостирма, 0005-литердаги асфальт майдонидан иборат бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 188 354 950,56 сўм.*

Аукцион савдоси 2012 йил 24 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**«Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1107А/1441

Лицензия: RR-0001.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:**

**1.** Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 1265,52 кв.м., қурилиш ости майдони 320,0 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган қаҳвахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 292 890 277 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик уюшмаси ҳудудида жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси.

***Бошланғич баҳоси — 162 966 976 сўм.***

**3.** Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик уюшмаси ҳудудида жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси.

***Бошланғич баҳоси — 43 012 177 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 23 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1113R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ка тегишли кўчмас мулкларни сотиш бўйича очиқ аукцион савдосига таклиф қилади!***

**Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоси 2012 йил 24 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда бўлиб ўтади.**

Очиқ аукцион савдосига «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалига тегишли қуйидаги кўчмас мулк объекти такроран қўйилмоқда:

Умумий ер майдони 600,0 кв.м., фойдаланиш майдони 164,90 кв.м., 3 та яшаш хонаси, 2 та даҳлиз, айвон, ҳожатхона ва ваннахонадан иборат бўлган уй-жой.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Тинчлик» ҚФЙ, Ийк ота қишлоғи, 17-уй.

***Бошланғич баҳоси — 124 520 000 сўм.***

Сотиш шарти: олди-сотди шартномаси аукцион якуний баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида имзоланиши керак.

Тўлов шарти олди-сотди шартномасига асосан: олдиндан тўлов — 30%, қолган қисми — олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида.

Ушбу кўчмас мулк билан «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалининг тегишли ходими иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия RR-0017.*

1109R/1192

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 апрелдаги 19-1207/1404-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шоҳкўчаси, 9-«Г» уйда жойлашган, «Навонур-Файз-Фазо» хусусий корхонасига тегишли, майдони 300,99 кв.м., 2 қаватли, ертўлали, 26 хонадан иборат, 2009 йилда қурилган, компьютер хизмати, маиший хизмат кўрсатиш ва китоб савдо дўкони биноси.

*Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.*

**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 10 октябрдаги 19-1108/11800-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Жўрабоева кўчаси, 6-«Б» уйда жойлашган, майдони 240,0 кв.м., 1 қаватли, жами 5 хонадан иборат, 2007 йилда қурилган савдо дўкони биноси ва хўжалик биноси.

*Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 7 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 3 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда,«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,**
**Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй,**
**«Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Телефон: (8-376) 227-57-94.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1108А/1441

Лицензия: RR-0001.

*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

**ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.**



**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар:**
**(+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80.**
**Факс: (+99871) 257-58-61.**

996А/710

# Қурувчилар учун зарур хом ашё

*Қум ва шағал қурилиш учун зарур хом ашё ҳисобланади. Сариосиёлик тадбиркор Шавкат Қаландаров ўзи ташкил қилган “Сурхон сифатли тош” масъулияти чекланган жамиятида ана шу хом ашёни саралаб ва қайта ишлаб, буюртмачиларга етказиб беришни йўлга қўйди.*

Изланиш

Мазкур лойиҳа молия муассасаси томонидан қўллаб-қувватланиб, 100 миллион сўмлик кредит ажратилди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган маҳсулот қурилиш ташкилотлари ҳамда бунёдкорларга манзур бўлмоқда.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Жантиевич Исмаиловга отаси

**Жанти ИСМАИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

# Осиё чемпионатидаги муваффақият



*Шри-Ланканинг Хиккадува шаҳрида шахмат бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*

## Шахмат

Унда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар.

Қитъа биринчилигида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртимиз Темир Игонин блиц-турнирда етти имкониятдан 5,5 очко жамғариб, кумуш медаль билан тақдирланди. Иқтидорли шахматчимиз мезбонлар вакили Хмай Херат, вьетнамлик Нгуен Данг Хонг, ҳиндистонлик Балярсинх Санкалп ҳамда Абхиманю Пураник ва филиппинлик Даниел Жон Лемини мағлубиятга учратди. Хитойлик Жианг-нан Жоу билан бўлган муросасиз баҳсда эса дуранг натижа қайд этди. Эътиборли жиҳати, Темур 30 нафар ёш "ақл гимнастикаси" устаси кураш олиб борган классик шахмат турнирида ҳам ўзининг алоҳида қобилият соҳиби эканлигини намоён этиб, 6,5 очко жамғарган ҳолда бронза медалини қўлга киритди.

# Ёшларимиз ғалабаси

*Украинада ташкил этилган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, иккита олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медалига сазовор бўлдилар.*

## Бокс



Спортнинг бокс тури жадал ривожланган ўнга яқин мамлакатдан келган ёш чарм қўлқоп усталари совринли ўринлар учун кураш олиб борган мазкур турнирда ҳамюртимиз, амалдаги жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов (91 кг.) барча рақибларидан яққол устун эканлигини намоён этди. Жумладан, ярим финалда россиялик Мансур Сардалов, финалда эса мезбон спортчи Илья Пеловинга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Мусобақада 64 килограмм вазн тоифасида баҳсларни ўтказган юртдошимиз Анвар Туропов ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирнинг кумуш ва бронза медалларига Улуғбек Мубинов, Элнур Абдураҳимов, Муроджон Аҳмадалиев, Нурсултон Нишонбоев, Дадажон Турсунқулов ва Алиёр Нормалиев эгалик қилди.

## Теннис

*Спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда мунтазам ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиб келишмоқда.*

# Қувончли натижалар



Кишига ғурур бағишловчи бундай натижалар ўзбек теннис мактаби намояндалари томонидан ҳам қўлга киритилаётир. Дунёнинг энг сара ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб борадиган, "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Уимблдон" турнирининг бу йилги баҳсларида Денис Истоминнинг муваффақиятли иштироки бунга яна бир мисолдир. Ҳамюртимиз ушбу нуфузли мусобақанинг яккалик баҳсларида ўзбекистонлик теннисчилар орасида биринчи бўлиб тўртинчи босқичга қадар етиб борди. Эътиборлиси, жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда ҳам у нимчорак финал иштирокчилари сафидан жой олди.

Ишончимиз комилки, ана шу турнирда тўпланган катта тажриба Денисга XXX ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

"Уимблдон — 2012"нинг ёшлар мусобақасида ўз имкониятини синовдан ўтказаётган Ўзбекистон вакиллари Сабина Шарипова ва Нигина Абдураимова ҳам дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтишди. Жумладан, Сабина асосий турнинг биринчи беллашувида Харриет Дарт (Буюк Британия)ни 6/2, 6/4, Нигина эса Петра Уберpredicted Уберялова (Словакия)ни 6/4, 4/6, 6/4 ҳисобларида мағлубиятга учратди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, 1999 йили ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова "Уимблдон" турнирининг ёшлар мусобақасида бош совринни қўлга киритган эди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Бу ажиб дунё



## Олимпиада тарихида илк бор

***Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг енгил атлетика баҳсларида Жанубий Африка Республикаси терма жамоаси аъзоси Оскар Писториус ҳам ғолиблик учун кураш олиб боради.***



Эътиборли жиҳати, у мазкур ўйинлар тарихида илк бор қатнашаётган ампутант-югурувчи ҳисобланади.

ЖАР Енгил атлетика федерацияси (SASCOC) расмий сайтида келтирилишича, Писториус шу йилнинг 30 июнь куни ясама оёқлари билан Африка чемпионатида 400 метрлик масофага югуриб, маррага 45,52 сонияда етиб келган. Гарчи бу борадаги меъёр 45 сония этиб белгиланган бўлса-да, федерация истисно тариқасида Писториусни мамлакат терма жамоаси таркибига олишга қарор қилган. Аммо Халқаро енгил атлетика федерацияси (IAAF) африкалик спортчининг ясама оёқлари мусобақаларда унга устунлик бериши мумкинлигини инобатга олиб, Оскарнинг Лондондаги иштирокига эътироз билдирмоқда.

Айтиш жоизки, Оскар Писториус 2008 йилда Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам қатнашишга астойдил интилганди. Бироқ тегишли нормативни топшира олмаганлиги туфайли мақсадига эришолмаган эди.

## Сайёрамизнинг олис ҳудуди

***Атлантика океани жанубида жойлашган Тристан-да-Кунья ороли Ер юзидаги энг чекка ҳудуд ҳисобланади. У шу қадар кичикки, ҳатто самолёт қўнадиган аэропорти ҳам йўқ.***

Оролда уч юз киши истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти бири-бирига қариндошлиги боис авлоддан-авлодга ўтиб келаётган астма ва глаукома касаллигидан азият чекишади. Қизиқ жиҳати, оролликлар ўзларига зарур бўлган маҳсулотларни интернет орқали буюртма беришади. Аммо уларнинг эҳтиёжини қондиришга кўп вақт кетади.

## Жонзотлар яшамайдиган денгиз

***Ўлик денгиз Ер юзасидан 423 метр чуқурликда жойлашган.***

Шу боис у сайёрамизнинг энг паст қисми ҳисобланади. Ўлик денгизнинг суви ўта шўр бўлганлиги учун унда ҳеч қандай жонзот яшамайди.

## Ширинликдан юқадиган хушмуомалалик

***Психологлар одамнинг феъл-атвори у истеъмол қиладиган маҳсулотларга боғлиқлигини аниқлашди.***

Жумладан, ширинликларни хуш кўрувчиларнинг аксарияти мулойим табиатли бўлишаркан. Улар яқинларини доимо эъзозлашади, қадрлашади. Оғир вазиятларда эса ўзгалардан ёрдамларини аяшмайди.

Аччиқ, шўр таомларни ёқтирадиганлар эса кўп ҳолларда дағал ва қўпол бўлишаркан.

## Ўз рекордини янгилади



***Қисқа дақиқалар ичида энг кўп "хот-дог" ейиш бўйича жаҳон чемпиони Жои Чеснат ўз рекордини янгилади.***

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, у 10 дақиқада 68 дона "хот-дог"ни паққос туширган. Ўтган йили бу кўрсаткич 62 донага тенг эди.

Чеснат ғалабага маҳлиё бўлмай, келгуси мусобақаларни ҳам орзиқиб кутишини маълум қилди.

Аёллар ўртасида Соня Томасга тенг келадигани топилмади. У қисқа вақтда 45 дона "хот-дог" еган ягона аёл бўлиб турибди.

## Энг узун тимсоҳ



***Филиппиннинг Бунаван шаҳрида парваришланаётган Лолонг лақабли тимсоҳ шу турдаги йиртқичлар орасида энг узуни сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.***

Унинг бўйи 6 метр 40 сантиметрга тенг. Шундай қилиб, Лолонг Австралиядаги Кассиус Клей номли тимсоҳдан ушбу "унвон"ни тортиб олди. "Яшил қитъа" жониворининг узунлиги 5 метру 49 сантиметр бўлиб, у мазкур кўрсаткичи билан 2011 йилда рекордлар китобига киритилганди.

**Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.**

## Митти ҳажвлар

### Ўчиришни унутманглар

Болалар боғчасидаги эълон:

"Азиз болажонлар! Ухлаш хонасига кираётганда бошқаларнинг оромини бузмаслик учун мобиль телефонларингизни ўчириб қўйишни унутманглар".

### Камтарлар

— Мен ҳам кейинги пайтларда сизга ўхшаб сал паришонхотирроқ бўлиб қоляпман-да.

— Хафа бўлманг, буюк одамлар ўзи шунақа бўлишади.

### Ҳамма башоратчи

— Газетамиз таҳририятига мунажжим башоратини ёзадиган одамни ишга олишимиз керак эди.

— Унақа одамни топиш қийин бўлаётгандир.

— Аксинча, одам кўп, танлов ўтказмоқчимиз.

### Ранг-баранглик яхши

— Чувараларинг ҳар хилми, хотин, бири катта, бири кичик-а?

— Ахир ўзингиз бир хил овқат еявериш жонга тегди, дедингиз-ку, дадаси.

**Ҳабиб СИДДИҚОВ тайёрлади.**

## Ғамхўрлик

*Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги Саломатлик ҳафталиги тадбирлари Қашқадарё вилоятида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.*

# Малакали тиббий кўрик

Куни кеча вилоятнинг Косон, Муборак, Қарши туманларида истиқомат қилаётган 4547 киши ўз саломатлигини тиклаш бўйича малакали шифокорлардан тиббий тавсиялар олди.

— Қандли диабет хасталигига чалинганман, — дейди Муборак туманининг Хўжамуборак қишлоғида яшовчи Шариф Ризаев. — Бу ерда тажрибали мутахассислардан керакли маслаҳатларни олдим. Тиббий текширувлардан ўтганимдан сўнг шифохонада даволанишим учун йўлланма беришди. Бизнинг саломатлигимиз ҳақида қайғуриб, беминнат ёрдам кўрсатаётганларга минг раҳмат, деймиз.

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор долзарб вазифалар белгиланган, — дейди Республика Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали директори Шоира Набиева. — Саломатлик ҳафталиги ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилаётганлиги билан янада аҳамиятлидир. Оилавий тиббий кўрикларни ташкил қилиш ва малакали шифокорлар маслаҳати билан даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган бугунги тадбирларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти вакиллари, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларнинг тажрибали мутахассислари ҳамда ўнлаб профессорлар иштирок этишмоқда.

Ҳафталик тадбирларида вилоятдаги 33 минг 293 нафар тиббиёт ходими ҳам фаол қатнашаётир. Тиббий кўрикнинг дастлабки кунларида мурожаат этганларнинг 3184 нафари амбулатор, 860 нафари эса стационар шароитда даволаниш учун юборилди. Саломатлик ҳафталигида, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва уйда ётган 238 нафар бемор чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

* * *

Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар халқимиз саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, жойларда фаолият кўрсатаётган шифо масканларида тиббий хизмат сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган Саломатлик ҳафталиги ҳам ана шундай хайрли саъй-ҳаракатлардандир.

Мазкур тадбир Хоразм вилоятидаги даволаш муассасаларида юқори савияда ташкил этилаяпти. Пойтахтдан ташриф буюрган малакали шифокорлар Боғот, Янгиариқ, Гурлан туманлари марказий тиббий муассасаларида вилоятнинг бошқа ҳудудларидан келган 5 минг нафардан зиёд кишини ўндан зиёд ихтисослик бўйича бепул чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиб, зарур ҳолатларда даволаниш учун йўлланма беришди.

— Ҳозиргина чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтдим, — дейди Боғот туманидаги Наймон қишлоғида истиқомат қилувчи Асқар Сўфиев. — Тиббий кўрик биз учун қулай манзилда ташкил этилганлигидан миннатдормиз. Бу ерда замонавий ташхис ускуналари воситасида тиббий таҳлиллар ўтказилди. Саломатлигимни яхшилаш учун нимаики зарур бўлса, барча тавсияларни олдим. Энг муҳими, шифокорларнинг билими, малакаси ва ширин муомаласидан кўнглим тўлди.

Вилоятда Саломатлик ҳафталиги давом этмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Халқ мақоллари

- *Борар ерингга тош отма.*
- *Кўнгил тортмас ерга оёқ тортмас.*
- *Мевани пўсти сақлар.*
- *Танбалга кунда тўй.*

## ОБ-ҲАВО

(7 июль)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +36 +41 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +18 +23 | +36 +41 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +37 +42 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +35 +40 |
| Тошкент шаҳрида | +19 +21 | +37 +39 |

# Хуштаъм ва шифобахш



*Ўрикдек хуштаъм ва ширин мевани яхши кўрмайдиган киши бўлмаса керак. Унинг таркибида 4 фоиздан 20 фоизгача қанд моддаси, олма, лимон ва бошқа кислоталар, 0,38-1,27 фоиз пектин моддалари, 10 мг фоизгача каротин моддаси ҳамда мағзида 29-58 фоиз атрофида ёғ мавжуд.*

## Фойдали маслаҳат

Ушбу мева организмда А, С ва Б гуруҳи витаминлари етишмовчилигида жуда фойдали. Бундан ташқари, кишининг аскорбин кислотасига бўлган бир суткалик эҳтиёжини қондириш учун 3/4 стакан ўрик шарбати етарли.

Таркибида кўп миқдорда бетакаротин борлиги туфайли кўзга ва терига яхши таъсир кўрсатади. Ундаги фосфор ва магний моддалари мия фаолиятини кучайтиришга, хотирани яхшилашга ёрдам беради. Айниқса, болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар ва юрак хасталигига чалинган беморларга мунтазам равишда ўрик ёки унинг шарбатини истеъмол қилиш кони фойда. Хусусан, бола организми ушбу мевадан ўсиш учун зарур бўлган кальций моддасини олади. Ўрик таркибидаги темир моддаси бўлғуси оналардаги гемоглобинни оширади, магний ва калий моддалари эса қон босимини барқарорлаштиради. Агар кекса кишилар ҳар куни ўрик шарбати ёки туршакдан тайёрланган компотни истеъмол қилишса, бу мунтазам ич келиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Янги узилган ўрик пўстлоғидан тайёрланган ниқоб шамолдан қовжираган терига, офтобдан куйган ва қариётган терига самарали таъсир кўрсатади. Ўрик данакларидан олинадиган "ўрик сути" бронхит, трахеит, ларингит касаллигини даволашда ажойиб натижа беради. Шунингдек, майдаланган данаклари гижжаларга қарши синалган восита сифатида қўлланиб келинади.

Ўрик жуда яхши қурийди. Айниқса, қуёшда қуритилган туршаклар парҳез озуқаси сифатида жуда оммабоп. Туршак юқори калорияли маҳсулот ҳисобланади, чунки унда енгил ўзлаштириладиган углеводлар, калий моддаси ва бошқа витамин ҳамда минераллар кўп.

Олимларнинг фикрича, Ҳиндистондаги тоғларда яшовчи хунза қабиласи вакилларининг узоқ яшашига (110-120 ёш) уларнинг ўрик билан анъанавий озиқланишлари ёрдам берар экан. Қабилада ўрикни "саломатлик меваси" деб ҳисоблашади. Хитой табобатида ўрик данагининг мағзини йўтални босувчи восита сифатида қўллашади.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5